

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

РЕФЕРАТ

Мавзу: **Молия ва молия тизими**

Бажарди: Бозоров А.
Текширди: Джуманова Р.Ф.

Тошкент – 2014

Режа:

1. Молиянинг моҳияти ва функциялари.
2. Молия тизими ва унинг бўғинлари.
3. Молия тизимининг бошқариш. Молиявий назорат.
4. Давлат бюджетининг моҳияти ва тузилиши. Бюджет тизими.
5. Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари.
6. Бюджет харажатларининг туркумланиши.
7. Давлат бюджетидан ташқари жамғармалар.
8. Солиқ тушунчаси ва солиқ тизими.

1. Молиянинг моҳияти ва функциялари.

Молия иқтисодий категория сифатида халқ хўжалигида пул ресурсларини ҳосил этиш уларни тақсимлаш ва ишлатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Жамиятнинг равнақи, аҳолини фаровонлиги, юртнинг тинчлигини таъминлаш ва бошқаларни амалга ошириш молияга бориб тақалади.

Молия латинча «Finansia » сўзидан олинган бўлиб пул ҳисоб-китобларини билдиради. Молия сўзи дастлаб XIII асрда Италияда, кейин давлатнинг даромад ва харажатларини моҳияти сифатида XVI асрда Францияда ишлатилган.

Хозирги вақтда молия-ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида турли марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишдаги пул муносабатлар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳамма пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатларга кирмайди. Жумладан, фуқаролик ва чакана савдо ўртасидаги (хаттоки, чакана нархлар давлат томонидан тартибга солиш шароитида ҳам) юзага келадиган пул муносабатлари давлат фуқаролик-ҳуқуқий услуб билан тартибга солиниши туфайли молиявий муносабатларга кирмайди.

Молиявий муносабатлар - бу иқтисодиёт субъектларнинг молия ресурслари хусусидаги ўзаро алоқалари.

Молия тарихий категория сифатида товар-пул муносабатлари шароитида пайдо бўлган ва у билан биргаликда мавжуд. Молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан ҳам келиб чиқади, чунки давлат ўз вазифасидан келиб чиқиб атроф муҳитни химоя қилиш, мудофаа, ижтимоий тартибни сақлаш, номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш аҳолини ночар катламларини ижтимоий жихатдан химоя қилиш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш

максадида марказлашган пул жамғармаларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб молия-бу иқтисодий пул муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, у ёрдамида яратилган жами ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан корхона, ташкилот, бирлашма ва давлатни пул даромадлари ва марказлашган жамғармаларини ташкил этиш асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва аҳолини моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришни таъминлашдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб молиянинг объекти бўлиб корхона, бирлашма ва халқ хўжалиги тармоқларининг пул жамғармалари ва молиявий ресурсларни ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Молиянинг субъекти - бу молия муносабатларини иштирокчилари, фирмалар, давлат ва нодавлат идораларидан иборат юридик ва жисмоний шахслар.

Молиявий сиёсат-давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш юзасидан молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратилган сиёсат.

Молиянинг турли даражалари:

-Микромолия- бу фирмалар, давлат ва жамоат ташкилотлари молия тизимини бошланғич ва асосий буғини ҳисобланади. Микромолиянинг муҳимлиги уларда моддий бойлик яратилади. Уларнинг фаолияти жамиятнинг иқтисодий ахволини шакллантиради. Унинг асосий ресурслари бўлиб фойда, иш ҳақи, акция ва облигациялар, кредит,суғурта тўлови, субсидия ва бошқалар ҳисобланади.

-Корхона қанчалик яхши ишлаб фойдали фаолият кўрсатса, уни молиявий фаолияти шунчалик яхшиланади, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширишда ҳар хил фондларни ташкил этишга,

ходимларни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, хайрия ва бошқаларга имконият яратилади.

-Макромолия- бу мамлакат доирасидаги ва миллий иқтисодиётга хизмат қилувчи давлат молиясидан иборат. У умумдавлат молияси бўлиб, унга давлат бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, бошқа мақсадли жамғармалар киради.

-Метомолия - бу халқаро доирадаги молия бўлиб давлатлараро пул муносабатларини англатади.

Молиянинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади ва у асосан қўйидагиларга бўлинади.

1. Тақсимлаш функцияси. Бу функция қўйидагиларда ўз аксини топади.

-Яратилган ялпи ички маҳсулот дастлаб корхонада, уни яратишда иштирок этган ходимларга, давлат бюджетига (солиқ шаклида).

-Давлат молияси орқали ҳар хил фондларни шакллантиришга.

-Корхона ва бошқалар ўз даромадларининг маълум қисмини нодавлат ва жамоа ташкилотларига, улар томонидан турли хайрия фондларини ташкил этишга.

-Хайрия фондларидан кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя этишга.

- Хонадонлар молиясида яратилган даромадни истеъмол ва жамғарма эҳтиёжларига тақсимланиши.

2. Назорат функцияси-бу функция тақсимлаш функцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, у молия муносабатларининг турли таркиби орасида пул фондларининг шаклланиши ва ишлатилишини назорат қилади.

Ушбу функциянинг бош мақсади ижтимоий ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча буғинлари ишини якунлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини тўғри ташкил этилиши ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашдан иборат. Шунинг билан бирга айрим муаллифлар

(А.Ўлмасов, А.Вахобов, “Иқтисодиёт назарияси” Тошкент, 2006 379-380 бетлар) молиянинг функцияларига рағбатлантириш, иқтисодий ахборот бериш ва ижтимоий-ҳимоя функцияларини ҳам киритишади. Бизнинг фикримизча рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя функциялари молиянинг тақсимлаш функцияси натижасини, иқтисодий ахборот бериш эса корхона, ташкилот ва муассасаларни функциянал вазифалари эканлигини ҳисобга олиб уларни молиянинг алоҳида функцияларига ажратилиши мақсадга мувофиқ эмас.

2. Молия тизими ва унинг бўғинлари.

Молия тизими-бу давлатнинг ҳамда корхоналарни пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш усуллари мажмуасидир. Умуман молия тизимини қуйидагича ифодалаш мумкин. (схема):

Молия тизимининг асосини хўжалик юритувчи субъектлар молияси ташкил этади, чунки улар моддий ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва улар иштирокида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад яратилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб улар молиясининг шаклланиши ва ундан фойдаланишда ўзига хос хусусиятларга эга.

Жумладан, ижтимоий ташкилотлар, касаба уюшмалари, ёшлар ва фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт жамиятлари ва шу кабилардан иборат бўлиб, уларнинг молиявий ресурслари асосан ташкилот аъзолик бадаллари, тижорат фаолиятидан олинган даромадлар, хомийлар ва хайрия маблағлари ҳисобига ташкил топади ва шу ташкилотлар низомига асосан фойдаланилади. Айрим корхона ва ташкилотлар молияси фаннинг 4-«корхоналар молияси» мавзусида ёритилган.

Давлат бюджети молия тизимининг бош буғини ҳисобланади. У ёрдамида давлат бошқарув органлари функцияларини тامينлаш учун марказлашган пул фондлари шакллантирилади ва ишлатилади.

Давлат бюджети мамлакатнинг асосий молия режаси ҳисобланади ва у Олий Мажлис томонидан қонун ҳолида тасдиқланади. Давлат бюджети орқали давлат халқ хужалиги тарақиётини, ижтимоий - маданий тадбирларни, муҳофафзати, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш молиялаштирилади.

Давлат бюджетини моҳияти ва тузилиши мазкур мавзунинг 4,5,6 саволларида берилган.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси

Давлат корхоналари молияси
Хусусий корхоналар молияси
Жамоа корхоналари молияси
Хиссдорлик жамиятлари молияси
Ижара корхоналари молияси
Қўшма корхоналар молияси
Жамоат ташкилотлари молияси

Умумдавлат молияси

Давлат бюджети	Бюджетдан ташқари жамғармалар				Суғурта молияси			Фонд бозори	Давлат кредити ва бошқалар
	Пенсия жамғармаси	Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси	Республика йўл жамғармаси	Мулк қўмитаси махсус фонди ва бошқалар	Ижти суғурта	Мол-мулк суғуртаси	Хаётий суғурталаш ва бошқалар		

Бюджетдан ташкари жамгармаларнинг мохияти, уларни маблагларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш тартиби мавзунинг 7- саволида берилган.

Фонд бозори молия бозорининг муҳим элементи бўлиб молия тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Қимматли қоғозларни (акция, облигация, сертификат ва бошқалар) дастлабки сотилиши бирламчи фонд бозорида юз беради. Уларни ўз эгалари томонидан қайтадан сотилиши иккиламчи фонд бозорида содир бўлади.

Фонд бозори - бу жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларни муомалада булиши ва сундирилиши билан боғлиқ муносабатлар тизимидир.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўлиб, уларни сотиш ва сотиб олишда молиявий воситачи вазифасини бажарувчи эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари, банклари ва бошқалар ҳисобланади.

Молия тизимида давлат кредитининг ҳам муносиб ўрни бор. Давлат кредитининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг катнашивудир. Давлат кредитида давлатнинг бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок этиши, қарз берувчи вазифасини бажара туриб давлат кредит институтлари, жумладан, Марказий банк орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади.

Давлат кредити биринчи марта капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида, яъни XVI - XVIII асрларда пайдо бўлган. Бунда Европада йирик ҳаражатларни даромадлар билан тенглаштиришда давлат кредитидан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда давлат кредити ўзининг энг юқори даражасига кўтарилган, чунки давлатларнинг ҳаражатлари ўсиб бормоқда, уни қоплаш учун эса давлат солиқ билан биргаликда давлат кредитига мурожаат қилишга мажбур.

Давлатнинг қарздорлиги у томондан чиқариладиган заёмлар ва давлат хазина мажбуриятларида ифодаланади.

Давлат заёмлари қанча куп чиқарилса, давлатнинг қарздорлиги шунча ўсиб боради. Ривожланган мамлакатларда маҳаллий ҳукумат органлари ҳам ўз

заёмларини чиқаради ва бу ўз навбатида давлат қарзларини янада ошириб юборади.

Давлат қарзларини бу ҳолдаги доимий ўсиб бориши муомаладаги пул ва қимматли қоғозларнинг кўпайишига олиб келди, бу мамлакат молиясига бевосита таъсир кўрсатади. Давлат қарзларининг, солиқларни, пул эмиссиясини ўсиб бориши биринчи навбатда ижтимоий соҳага таъсир этади.

Шунга қарамасдан давлат кредити бюджет такчиллигини коплашда, ссуда капитали бозорини ривожлантиришда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда маълум аҳамиятга эга.

3. Молия тизимини бошқариш. Молиявий назорат.

Ўзбекистон Республикасида молиявий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Қорақалпоғистон Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг моҳияти, уларни маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш тартиби мавзунинг 7- саволида берилган.

Фонд бозори молия бозорининг муҳим элементи бўлиб молия тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Қимматли қоғозларни (акция, облигация, сертификат ва бошқалар) дастлабки сотилиши бирламчи фонд бозорида юз беради. Уларни ўз эгалари томонидан қайтадан сотилиши иккиламчи фонд бозорида содир бўлади.

Фонд бозори - бу жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларни муомалада булиши ва сундирилиши билан боғлиқ муносабатлар тизимидир.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўлиб, уларни сотиш ва сотиб олишда молиявий воситачи вазифасини бажарувчи эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари, банклари ва бошқалар ҳисобланади.

Молия тизимида давлат кредитининг ҳам муносиб ўрни бор. Давлат кредитининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашивудир. Давлат кредитида давлатнинг бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок этиши, қарз берувчи

вазифасини бажара туриб давлат кредит институтлари, жумладан, Марказий банк орқали иқтисодиётнинг турли сохаларини кредитлашни ўз зиммасига олади.

Давлат кредити биринчи марта капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида, яъни XVI - XVIII асрларда пайдо бўлган. Бунда Европада йирик харажатларни даромадлар билан тенглаштиришда давлат кредитидан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда давлат кредити ўзининг энг юқори даражасига кўтарилган, чунки давлатларнинг харажатлари ўсиб бормокда, уни коплаш учун эса давлат солиқ билан биргаликда давлат кредитига мурожаат қилишга мажбур.

Давлатнинг қарздорлиги у томондан чиқариладиган заёмлар ва давлат хазина мажбуриятларида ифодаланади.

Давлат заёмлари қанча куп чиқарилса, давлатнинг қарздорлиги шунча ўсиб боради. Ривожланган мамлакатларда маҳаллий ҳукумат органлари ҳам ўз заёмларини чиқаради ва бу ўз навбатида давлат қарзларини янада ошириб юборади.

Давлат қарзларини бу ҳолдаги доимий ўсиб бориши муомаладаги пул ва қимматли қоғозларнинг кўпайишига олиб келди, бу мамлакат молиясига бевосита таъсир кўрсатади. Давлат қарзларининг, солиқларни, пул эмиссиясини ўсиб бориши биринчи навбатда ижтимоий соҳага таъсир этади.

Шунга қарамасдан давлат кредити бюджет такчиллигини коплашда, ссуда капитали бозорини ривожлантиришда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда маълум аҳамиятга эга.

3. Молия тизимини бошқариш. Молиявий назорат.

Ўзбекистон Республикасида молиявий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ва туман (шаҳар)

хокимликлари қошидаги молия органлари ва бошқа органлар томонидан бошқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, Вазирлар Маҳкамасининг такдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш киради.

Молия тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг молия бўйича меъёрий ҳужжатлар доирасида молиявий масалаларни Республика миқёсида мувофиқлаштиришда, молияни марказлашган тартибда бошқарилишини таъминлашда аҳамияти катта.

Молия тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Молия Вазирлиги алоҳида ваколатга эга. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 23 ноябрдаги 553 - сонли қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳақидаги низом»га асосан фаолият кўрсатади. Низомда Молия Вазирлигининг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари ҳамда уни фаолиятини ташкил қилиш тартиби белгилаб берилган.

Низомга кўра Молия Вазирлигининг бош вазифаси бўлиб, давлат бюджетини тайёрлаш ва уни молиялаштириш ҳисобланади. Бу асосан қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш

2. Давлат бюджети лойиҳаси ва уни бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси орқали Республика Олий Мажлиси тасдиғига киритиш.

3. Давлат бюджети бажарилишини молиялаштириш.

4. Давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатлари юзасидан назорат ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига Вазир рахбарлик қилади ва у Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Олий Мажлис тасдигидан ўтади. Молия Вазирининг ўринбосарлари вазирнинг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги мамлакатда молиявий фаолият ҳукукий асослари мустаҳкамланишини таъминлайди, қонун лойиҳалари бўйича молиявий хулоса беради, ўз ҳукуки доирасидаги масалалар бўйича қонунчиликнинг амалда қўлланилишини умумлаштиради ва уни такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни Вазирлар Маҳкамасига такдим этади, ҳамда ўзининг ваколати доирасида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва уларни бажарилишини назорат қилади.

Жойлардаги молия органлари ўз ишларини ҳудуднинг ҳажми ва унга тегишли молиявий ресурслар чегарасида ташкил этади.

Мамлакатимизда солиқ тўловларини тўғри ҳисобланиши, уларни давлат бюджетига тўлиқ ва белгиланган муддатларда келиб тушишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Кўмитаси ва унинг жойлардаги бошқармалари ҳамда инспекциялари зиммасига юклатилган. Бож тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишига Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари масъулдир.

Давлат бюджетнинг газна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қуйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари амалга оширади.

Молиявий назорат умумдавлат, ички ҳужалик, жамоа ва мустақил назоратларга бўлинади.

Умумдавлат назорати Олий Мажлис, Молия Вазирлиги, Солиқ кредит муассалари давлат қумиталари, вазирликлар, маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилиб унда пул маблағларини шаклланиши ва сарфланиши назорати олиб борилади.

Ички хўжалик назорати корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий хизматлари (ҳисоб, ҳисобот ва режалаштириш) бўлимлари томонидан пул маблағларининг шаклланиши ва ҳаражатлар устидан назоратни таъминлайди.

Жамоа назоратини алоҳида жисмоний шахслар, ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқалар ихтиёрий равишда олиб боради.

Мустақил назоратни мустақил аудиторлик фирмалари амалга оширади. Бунда барча хўжалик субъеклари фаолияти натижаларининг қонунийлиги, амалдаги бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ва бошқаларга тегишли меъёрий ҳужжатларга мослиги, уларга амал қилинганлиги назоратдан ўтказилади.

Амалга ошириш муддатидан келиб чиқиб молиявий назорат бирламчи, жорий ва якуний назоратларга ҳам бўлинади.

Бирламчи молиявий назорат корхоналар молиявий режаларини бюджет ташкилотларини сметаларини, бюджетлар лойиҳаларини ва бошқаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тавсифлаш босқичларида амалга оширилади.

Жорий молиявий назорат режаларни бажарилиши, хўжалик молиявий операцияларини бориши жараёнида амалга ошириб, унда даромад ва ҳаражатларни амалга оширилишини тўғрилиги, ўз муддатидалиги тезкор ва мослашувчанлик асосида олиб борилади.

Якуний молиявий назорат амалга оширилган молиявий операцияларнинг тўғрилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш, таҳлил ва аудит қилиш орқали амалга оширилади.

4. Давлат бюджетининг моҳияти ва тузилиши. Бюджет тизими.

Давлат бюджети молия тизимининг муҳим бугини сифатида мамлакатнинг асосий молия режасини ташкил этувчи ва фойдаланувчи умумдават пул фондидир.

Бюджет сўзи инглизча budget- халта маъносини англатиб давлатнинг маълум муддатга мулжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ҳамда ҳаражатлари ҳисоби бандлар бўйича тасдиқланган ҳужжатиدير.

Давлат бюджети даромадларини шаклланиши ва харажатларининг амалга оширилиши маълум тизимга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонунининг 4-моддасига биноан - Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йигиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш приннпларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилари ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Бюджет таснифи (Давлат бюджети тузилмасига кировчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг такчиллигини молиялаштириш манбааларини гурухлаш) тизими, хисоб-бюджет хисоблари ва бюджет жараёни (Давлат бюджетини тузиш, куриб чиқиш, қабул қилиш в ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кировчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни) тузилишининг ягоналиги:

- Бюджет тузилишини Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги:

- Турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги:

- Давлат бюджети баланслилиги:

- Бюджет даромадларини аниқ манбаалар бўйича ва харажатларнинг йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштирилши:

- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган, тасдиқланган маблағ доирасида сарфланиши:

- Барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги:

Бюджет тизимини башқаришда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ўрни катта.

Ушбу органларни бюджет тизимини бошқариш бўйича ваколатлари молия тизимини бошқариш ваколатларга ухшаш ва у мавзунинг 3- саволида берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига мувофиқ Давлат бюджети ўз ичига Республика бюджети, Қорақолпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни олади.

- Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

- Қорақолпоғистон Республикаси бюджети-Давлат бюджетининг Қорақолпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

- Маҳаллий бюджет-Давлат бюджетининг туғишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Демак, республика бюджетидан мамлакат аҳамиятига эга бўлган тадбирлар молиялаштирилса, маҳаллий бюджетлардан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар молиялаштирилади.

5. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг 11-12 моддаларига биноан давлат бюджетининг даромад ва харажатлари қуйидагилардан иборат:

Даромадлар:

- Қонун хужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

- Давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаданишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Харажатлар:

- бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- капитал харажатлар шаклида;
- капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджетлар трансфертлари шаклида;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудалари шаклида;
- давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Даромад ва харажатлар алоҳида Республика бюджети бўйича ва алоҳида Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар бўйича ҳам маълум таркибда тасдикланади.

Давлат бюджетинининг даромадлари муайян ҳолда қуйидагилардан ташкил топади.

I. Мақсадли жамғармалар даромадларисиз.

1. **Тўғри солиқлар.**

Ҳуқуқий шахслардан даромад (фойда) солиғи.

Умумий овқатланиш ва савдо корхоналаридан ягона солиқдан тушум.

Микрофирма ва кичик корхоналардан ягона солиқдан тушум.

Жисмоний шахслар даромадидан солиқлар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадидан солиқ.

2.Билвосита солиқлар.

2.1. Қўшилган қиймат солиғи.

2.2. Акциз солиғи.

2.3. Божхона пошлинаси.

2.4. Жисмоний шахсларнинг ягона бож тўловлари.

2.5. Жисмоний шахсларнинг бензин, дизел ёқилғиси ва транспорт воситалари учун фойдаланилган газидан солиқ тўлови.

3. Ресурс тўлови ва мулк солиғи.

3.1. Мулк солиғи.

3.2. Ер солиғи.

3.3. Ер ости бойликларидан фойдаланилганлик учун солиқ.

3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

4. Юқори фойда солиғи.

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

6. Бошқа даромадлар.

II. Молия Вазирлиги қошидаги мактаб таълими бюджетдан ташқари жамғармаси даромадлари.

III.Давлат мақсадли жамғармалари (пенсия жамғармаси, йўл жамғармаси, бандликка кўмаклашиш, Давлат мулки кўмитаси жамғармаси) даромадлари.

IV.Ўзбекистон Республикаси қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари.

6. Бюджет харажатларининг туркумланиши.

Давлат бюджетининг харажатлари қуйидагиларга йўналтирилади:

I. Мақсадли жамғармалар харажатларисиз.

1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари.

1.1. Маориф.

1.2. Соғлиқни сақлаш.

1.3. Маданият ва спорт.

1.4. Фан.

1.5. Ижтимоий таъминот.

1.6. Бюджетдан аҳоли учун ижтимоий аҳамиятли хизматлар баҳолари фаркини қоплаш. Оилалилар ва болали оилаларни ҳам қўшиб ижтимоий нафақа.

2. Бюджетдан ташқари пенсия фондида дотация.

3. ННО, ИПО ва фуқоролик жамиятларини ривожлантиришга маблағ ва грантлар

4. Иқтисодиётга харажатлар.

5. Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари.

6. Давлат ҳоким давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларини сақлаш.

7. Фуқороларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш.

8. Вазирларлар Маҳкамасининг захира фонди.

9. Бошқа харажатлар.

II. Молия Вазирлиги қошидаги таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма.

III. Давлат мақсадли жамғармалари (пенсия жамғармаси, йўл жамғармаси, бандлиликка қўмаклашиш ва давлат мулк қўмитаси жамғармаси).

IV. Ўзбекистон Республикаси қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси харажатлари.

Маълумки кейинги йилларда Давлат бюджети маблағларининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки амалга

оширилаётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Бу тўғрида Республикамиз президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган маросимда – «Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш керакки ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51.9 фоизни, 2007 йилда 53.8 фоизни ташкил этади. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54.6 фоиз бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол десак, бу аини ҳақиқатдир» -деган эди.

Бу кўрсаткич 2011 йилда 60% га яқин бўлиши режалаштирилган.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар салмоғини ошиб бориши кейинги йилларда ҳам давом этмоқда. Бу ҳолат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг аввало, инсон маънфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигидан далолат беради.

7.Давлат бюджетидан ташқари жамғармалар.

Бюджетдан ташқари жамғармалар солиқлар каби маълум мақсадга йўналтирилган ажратма ва ушловлардан ташкил топади. Бюджетдан ташқари жамғармалар суммасини асосий қисми мағсулот (иш хизматлар таннархига киритилади ва у унинг асосий қисми ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ва ундан ушловлар билан боғлиқ.

Молия тизими бўйича берилган схемаға кўра бюджетдан ташқари жамғармаларға қуйидагилар киради.

- Пенсия жамғармаси.
- Иш билан таъминлашға кўмаклашиш давлат жамғармаси.
- Республика йўл жамғармаси.
- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъминлаш ва жихозлаш жамғармаси.

- Давлат мулк кумитасининг махсус жамгармаси.

- Бюджетдан ташқари жамғармалар ичида пенсия жамғармаси катта улушга эга. Ушбу жамғарманинг даромадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилги асосий микроиқтисодиёт кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисидаги 2010 йил 24-декабрдаги 1449 сонли қарорига биноан 2011 йил учун қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади.

- Меҳнат ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов-24.8 %.
- Фуқоролар меҳнат ҳақидан ушловлар-4,5 %.
- Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидан ажратма-1.6 %
- Меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа манбалар.

Пенсия жамғармасининг маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади.

- Ишламайдиган ва ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови.
- Пенсионерларга каммунал тўлови бўйича пул компенсацияси.
- Айрим нафақаларни тўлашга.
- Қонун ҳукуматларида кўзда тутилган бошқа харажатларга.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг яна бири бўлиб, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси. Ушбу жамғарма «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги (1992 й 13 январ) қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й 13 декабрдаги 606-сонли «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш Республика жамғармасининг ташкил этиш тўғрисида» ги қарори асосида ташкил этилган. Жамғарма маблағлари қуйидаги маблағлар ҳисобига шаклланади.

-Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ходимларига ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан мажбурий ажратмалар . Ушбу ажратма 2011 йилга 0,1-фоиз микдорида белгиланган.

- Резедент ва норезедент юридик шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари.

- Мажбурий ажратмалар белгиланган муддатда тўланмаганлиги учун жарималар.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасининг тижорат фаолиятдан даромад ва бошқалар.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари кўйидаги мақсадларга фойдаланилади:

- Аҳолини иш билан таъминлашнинг умумдавлат ва минтақавий дастурини ишлаб чиқишга.

- Ишдан бўшаб қолган ходимларни ва иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлашга доир ишларга.

- Ишсизлик бўйича нафақалар тулаш.

- Ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий жихатдан кам таъминланган табақалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган ишчи ўринларини ташкил этиш.

- Иш билан таъминлаш органларини сақлаш, моддий - техникавий таъминотни амалга ошириш.

- Ахборот маълумотларини туплаш, реклама-нашр ишларини амалга ошириш, бўш ўринлар ярмаркаларини ўтказиш ва бошқалар.

Мақсадли жамғармалар таркибида етакчи ўринлардан бирини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси эгаллайди. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси «Автомобил йўллари тўғрисида» ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5-йилдаги 334-сонли «Ўзавтойўл давлат хиссадорлик концерни» таркибида ташкил қилинган. Ушбу жамғармани ташкил қилишдан мақсад мамлакатимизда умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини лойиҳалаш, қўриш, тузатиш ва сақлашни маблағ билан таъминлаш, шунингдек Республика йўл тармоқларидан самарали фойдалашни таъминлашдир.

Республика йўл жамғармаси 2011 йилда кўйидаги мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ҳисобига шаклланиши кўзда тутилган:

I. Мажбурий ажратмалар

1. Воситачилик шартномалари бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар ККС-ни чегирган ҳолда воситачилик ҳақи суммасидан 1 %.

2. Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари-ККС ни чегирган ҳолда товар айланмаси ҳижмидан 1 %.

3. Кредит ва суғурта тўловлари даромадидан 1.4 %.

4. Уздонмахсулот АК корхоналари-таъминот-сотиш, устамаси ва чегирмасидан ККС-ни чегирилган ҳолда - 1 %.

5. Автотранспорт корхоналари – ККС ни чегирган ҳолда махсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан 2,5 %.

6. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари-махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ККС ва аксиз солиғини чегирган ҳолда 1,4 %.

ва бошқалар

II. Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар.

1. Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларига қайд этилганда-ҳар бир от кучи ҳисобидан энг кам иш ҳақининг фоизларида хизмат муддатига кўра:

- хизмат муддати 3 йилгача-10%.

- 3 йилдан 7 йилгача -7%.

- 7 йилдан ошиқ 5%.

2. “Узавтойўл” ДАК корхона ва ташкилотлари мол-мулкини сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар-50 %.

III. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий ва чегарадош давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилишдан йиғимлар ставкалари, АҚШ долларарида:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик учун тўлов (бир автомашинани олиб кирганлик учун чегарадош республикалардан ташқари)-400.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусни олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғим;

- битта автотранспорт воситаси ва автобусдан -130.

- юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган 3 суткадан ошган ҳар бир кун учун-70.

- юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун-90.

3. Қозоғистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик ёки олиб чиқиб кетганлик учун (Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транзит қилиш бундан мустасно)-300.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларни олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим – 300.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб автотранспорт воситалари турлари бўйича Туркменистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим :

Қўйидаги хажмдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:

10 тоннагача -50

10 тоннадан 20 тоннагача -100

20 тоннадан куп -150

Ўриндиқлар сони қўйидагича бўлган

автобуслар : 12 ўриндиқгача-25

13 ўриндиқдан 30 ўриндиқгача-50

30 ўриндиқдан куп -100

Транзит йуналишли енгил автотранспорт воситалари - 30

Транзит йуналишли мотоцикллар -15

Изоҳ: Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитда ундириладиган йиғимлар ставкаларига нисбатан 0,5 камаювчи коэффициентлари қўлланилади .

Республика йўл жамғармасининг маблағлари қуйидагиларга сарфланади.

1. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини лойихалаш харажатларига.
2. Умумий фойдаланишдаги автомабил йўлларини қуриш ва қайта тиклаш харажатларига.
3. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларига.
4. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида фойдаланиш учун машина ва механизмлар сотиб олиш харажатларига.
5. Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл жамғармаси бошқаруви аппаратурини сақлаш харажатларига.
6. «Узавтойўл» ДАК марказий бошқарув аппаратурини сақлаш харажати.

Молия тизимининг муҳим бўғинларидан бири суғурталашдир. Унинг объектлари бўлиб, фуқоролар ҳаёти, меҳнат қobiliятини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлиги, мулкӣ ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлари ёки манфаатлари ҳисобланади.

Суғурталаш ижтимоий ишлаб чиқаришни самарали тараққий эттириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳўжалик юритувчи субъектлари иқтисодини мустаҳкамлашга, шунингдек мавжуд ижтимоий таъминотга қўшимча равишда аҳолининг моддий таъминотини янада юқорироқ кўтаришни таъминлайди. Суғурталаш бўйича бошқа тушунча ва маълумотлар фаннинг 9- « Суғурталаш » мавзусида берилган.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг яна бири булиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилни 7 июнидаги қарори билан Молия Вазирлиги қошидаги мактаб таълими жамғармаси ҳисобланади. Ушбу жамғарманинг маблағлари асосан барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар (

савдо ва умумий овкатланиш корхоналари, лотария ва таваккалчиликка асосланган бошқа уйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар, тайёрлов, таъминот-сотиш, брокерлик фаолияти, шунингдек комиссия шартномалар бўйича воситачилик хизматлари курсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) сотилган махсулот (иш, хизмат) ҳажмидан 0,5 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалар ҳисобланади.

Ушбу жамғарма маблағларини мактаб таълими объектларини қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шу билан боғлиқ бошқа мақсадларга ишлатилади.

Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10-ноябрдаги “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан 2011 йилни 1-январидан тугатилади ва қарордаги ном билан юритилади.

Қарорга кўра ушбу жамғарманинг даромадлари қуйидагилардан шаклланади:

- хўжалик юритувчи субъектлар тамонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тулашдан тушадиган маблағлар;

- Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

- халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли грантлари (қарзлари);

- хайрия қилувчилар - юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

- жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар;

Жамғарманинг маблағлари қарор номида келтирилган мақсадларга сарфланади.

8. Солиқ тушунчаси ва солиқ тизими.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 12-моддасига биноан солиқлар деганда муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловлардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади.

Солиқлар бюджет даромадлари (пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини оширишга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ривожлантиришга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва бошқаларга хизмат қилади.

Солиққа тортиш тизими солиқ объекти, солиқ агенти, солиқ солиш объекти, солиқ солиш предмети, солиқ манбаи, солиқ солиш базаси, солиқ солиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ солиш усуллари, солиқ даври, солиқни тўлаш муддатлари ва тартиблари, солиқ юки, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби каби элементларни уз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддасида - «Ўзбекистон ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Республиканинг Олий Мажлиси ҳақли» дейилган.

Солиқ солиш тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Солиқ солишнинг мажбурийлиги - белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш шартлиги.
2. Солиқ солишнинг аниқлиги - улар ҳар бир солиқ тўловчи учун қандай солиқ, қачон, қанча миқдорда, қандай тартибдалиги аниқ бўлишлиги.

3. Солиқ солишнинг адолатлиги-солиқ солиш умумий камситиш хусусиятига эга эмас, ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб қўлланилиши мумкин эмас.
4. Солиқ тизимининг ягоналиги - Республиканинг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир.
5. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, ошкорлиги - солиқ бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашрларда эълон қилинишини шартлиги.
6. Солиқ тўловчининг ҳақлиги-солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқил қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқларга амал қилади:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.
3. Қўшилган қиймат солиғи .
4. Акциз солиғи .
5. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловчилар.
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.
7. Мол-мулк солиғи.
8. Ер солиғи.
9. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.
10. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадига солиқ.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқлар тизимини ташкил этади.

Солиқ кодексининг 23-моддасига биноан юқорида келтирилган солиқларнинг 1-6 турлари умумдавлат солиқларини, маҳаллий солиқларга қолган тўртта тури ва бошқалар киритилади.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджетининг

параметрлари бўйича чиқадиган қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган умумдават солиқларига ягона солиқ тўлови ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ киради.

Маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади. Ушбу солиқ ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилганлик учун солинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар Қорақолпоғистон давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади.

Ушбу солиқ ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумий қатъий ставкаларда белгиланиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичида бюджет тушумларида салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидир.**

Амалдаги қонунчиликка кўра жисмоний шахсларга юридик шахс мақомини олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқоролари, ажнабий фуқоролар ва

фуқоролиги бўлмаган (12 ой ичида 183 кун ва ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган) шахслар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПК 1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 2011 йил учун қуйидагича белгиланган:

- а) энг кам иш ҳақининг 5 баровар миқдори- даромад суммасининг 10 фоизи.
- б) энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан 10 баробар миқдорига-16 фоиз.
- в) энг кам иш ҳақини 10 баровари миқдоридан (+1) ва ундан юқори суммадан-22 фоиз.

Қўшилган қиймат солиғи. Корхона кундалик хўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хом ашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда қўшимча қиймат яратилади. Ушбу қийматдан солиқ тўланади ва ушбу солиқ Ўзбекистон солиқ тизимида 1992 йилдан амал қилмоқда. Ушбу солиқнинг бюджет даромадларидаги салмоғи 2002 йилда 24 %ни, 2005 йилда 23.7 фоизни ва 2007 йилда 28 % ни ташкил этган.

Акциз солиғи. Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан бир қаторда оборот солиғи ва сотувдан олинadиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Ушбу солиқни бюджет даромадларидаги улуши 2002 йилда 22.8 %, 2005 йилда 17.5 ф% ни ва 2007 йил 12.6 фоизни ташкил этган.

Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб фақат акциз тўланадиган (этил спирти, вино, коньяк, ароқ, пиво, ўсимлик ёғи, техник мой, сигарет, автомобил, қимматбаҳо металллар, нефть маҳсулотлари, табиий газ, пахта толаси ва бошқалар) товарга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғини тўловчилари бўлиб акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқариш ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мулк солиғи. Юридик шахслардан олинadиган ушбу солиқ асосий воситалар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади.

Бунинг моҳияти хўжалик ўзига керакли бўлмаганларидан кутилиши ва мавжудларидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Уни солиқ солинадиган қийматини аниқлашда асосий воситалар қийматидан эскиришини чиқариб ўртача ойлик, чораклик ва йиллик қийматлари чиқарилади ва уни тегишли солиқ ставкасига купайтирилади. 2011 йилда ушбу солиқ ставкаси солиқ солинадиган базадан 3.5 % ни ташкил этади.

Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи турар жойлар квартиралар, дала ховли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг инвентаризация қийматларига нисбатан 0,75 % миқдорида белгиланган.

Пенсионерлар учун ушбу солиқ умумий майдоннинг 60 м² хажмда имтиёз белгиланган.

Ушбу солиқдан Ўзбекистон ва Совет иттифоқи қаҳрамонлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, 10 нафар ва ундан ортиқ фарзандга эга бўлганлар ва бошқалар озод этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Альмардонов М., Худойкулов С., Юсупов О., Агзамов А. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2012.- 320 бет.
2. Тухлиев Б.К., Курбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б., Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2011. -199 бет.
3. Vahobov A.V., Jo'rayev A.S. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. T.: «Sharq», 2009.-448b. . (1)
4. Галанов В. А. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. - 416 стр.
5. Купцов М.М Финансы: Учебное пособие. М.: РИОР, 2008. -113 стр.
6. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 бет.
7. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. -189 бет.
8. Alimardonov M.I., To'xsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005.-168 b.
9. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik / TMI. – T.2011.